



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
INNOVATSION  
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

# BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFAT VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH: STRATEGIYA, INNOVATSIYA VA ILG'OR TAJRIBALAR

xalqaro ilmiy-amaliy anjumani

## MATERIALLARI



20 сентябрь 2021 йил

# UCHINCHI SHO'BA. BOSHLANG'ICH TA'LIM SIFAT VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH STRATEGIYASI

## СЕКЦИЯ № 3. СТРАТЕГИЯ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА И ЭФФЕКТИВНОСТИ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ

### SECTION № 3. STRATEGIES TO IMPROVE THE QUALITY AND EFFECTIVENESS OF PRIMARY EDUCATION

#### СОНЛАРНИ РАҚАМЛАШНИ ЎРГАНИШДА ИЖОДИЙ МАЗМУНДАГИ ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.30.22.048

*Ф. М. Қосимов, БухДУ доценти, Абдуллаева Нигина, БухДУ талабаси*

Бошланғич синф математика курсида ўқув топшириқлари масаласи кўп қиррали бўлгани сабабли олимлар учун баҳс мунозарали мавзу ҳисобланади. Айримлар ўқув топшириқларини ўқитиш воситаси сифатида қарашса, баъзилари ўқитиш предмети сифатида, яна айримлари ўқитиш материали (мазмуни) сифатида назарга олишган. Биз эса ўқитувчи ва ўқувчининг биргаликдаги фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ўқув топшириқларини учлик



тизимида ўқувчи учун билим олиш манбаи, ўқитувчи учун билим бериш манбаи деб қараймиз.

Таълим самарадорлигини оширишда, ўқувчи ўқув-билув ҳамда ижодий фаолиятини фаоллаштиришда ижодий мазмундаги ўқув топшириқларининг ўрни беқиёс қуйида бошланғич синфларда бутун номанфий сонларни рақамлаш мавзусини ўрганишда ижодий мазмундаги ўқув топшириқларидан фойдаланиш тўғрисида баъзи фикрларни баён қиламиз.

Бутун номанфий сонларни рақамлаш ва улар устида амаллар бажариш бошланғич математика курси асосини ташкил қилади. Бутун номанфий сонлар (миллион ичида) устида ишлаш бошланғич синфларда тўрт йил давомида олиб борилади.

Биринчи синф ўқувчилари ўн ичидаги сонлар билан танишгач, сонларнинг кетма-кетлигини онгли ўзлаштирганликларини билиш мақсадида қуйидаги топшириқларни бериш мумкин:

1-топшириқ. Сонлар қаторидаги қайси сон тушириб қолдирилган:

А) 1,2,...,4,...,6,7,...,9,10

В) 10,...,7,6,...,4,...,2,1

Ушбу топшириқ “рақамли карточкалар”дан фойдаланган ҳолда фронтал, якка, группали (партадаги 2 ўқувчи бирга ишлаши) тарзида ўтказилиши мумкин.

2-топшириқ. Сонлар қаторини давом эттиринг: 2,4,6,...

Ушбу топшириқ ёрдамида ўқувчилар 1 дан 10 гача бўлган сонлар қаторидаги сонлар ичидан 2 тадан сакраб сонларни санашни ўрганишади. Шунингдек, топшириқ шартига диққат билан қараб, маълум сонлар қаторидаги қонуниятни билиб олишади, яъни қатордаги биринчи сон 2, ундан кейинги сон 4, демак сон 2 та ортаятти. Учинчи сон 6, бу ҳам 4 сонини 2 тага орттириш натижасида ҳосил бўлади. Демак, ўқувчилар “6 дан кейинги сонлар 8, 10 булади” деган хулосани чиқаришади.

3-топшириқ. Энг катта бир хонали сонни ёзинг ва бу сондан бошлаб:

а) 2 тадан камайиб борувчи сонлар қаторини;

б) 3 тадан камайиб борувчи сонлар қаторини айтинг.

Бу топшириқни бажарувчи ўқувчи дастлаб бир хонали сонлар орасидан энг катта бир хонали сонлар орасидан сон (9 сони)ни аниқ олиши керак. Сўнгра юқоридаги топшириқ шартларини бажариши керак:

а) 9,7,5,3,1

б) 9,6,3

Ушбу топшириқ “рақамли карточкалар” ёрдамида доскада намойиш қилинади. Топшириқ бажарилгач ўқувчиларга “ҳосил қилинган сонлар қаторини диққат билан кузатинг. қандай қонуниятни кузатдингиз?” деб берилган қўшимча топшириқ ўқувчиларни топқирликка, фикрни жамлашга, хулоса чиқара олишга ундайди.

Ўқувчиларнинг юз ичида сонларни рақамлашга доир билим ва малакаларини мустаҳкамлаш мақсадида бериладиган қуйидаги топшириқлар уларда ижодий фаолиятни оширишга ёрдамлашади.

4-топшириқ. Сонлар қаторига диққат билан қаранг ва тушуриб қолдирилган сонларни қўйинг:

а) 3,6,...,12,...,18

б) 2,4,...,8,...,14,...,20

в) ...,8,12,...,20

Ушбу топшириқ ўқувчиларнинг 1 дан 20 гача бўлган сонлар кетма-кетлигини онгли англаб, тушуниб етганини аниқлаш учун берилади. қаторни кузатаётган ўқувчи қатор сонларининг қонуниятини аниқлайди:

а) Биринчи сон 3, кейинги сон 6, учинчи сон 6 дан 3 та кейин келган сон - 9 бўлади. Худди шундай мушоҳада юритиб, 12 дан 3 та кейин келувчи сон 15 бўлишини аниқлайди.

б) Бу топшириқ ҳам юқоридагидек фикр юритилиб ечилади. Фақат юқоридаги топшириққа нисбаттан мураккаброқ ҳисобланади. Чунки бу топшириқда, маълум қонуниятни қаноатлантирувчи кетма-кет сонлар ташлаб кетилган.

в) Топшириқ б) бандга қараганда мураккаброқ. Ушбу топшириқда сонлар қаторидаги қонуният 1-, 2-сондан эмас балки 2– ва 3-сонга қараб аниқланади. Қатордаги сонлар 4 тага ошиб бораяпти. Демак, 4, 8, 12, 16, 20. 5-топшириқ. 3,7,11,14,19,23,27 сонлар қаторидаги қайси сон алмаштирилганда кетма-кетлик тўғри бўлади? Ўша сонни алмаштиринг ва қатор давомига иккита сон ёзинг.

Ушбу топшириқни бажаришда ўқувчи 1 дан 100 гача сонларни оғзаки рақамлаш кўникмасига таянган ҳолда мулоҳаза юритади. Қатордаги сонлар 3 дан бошланиб, 4 тадан ошиб бораяпти. 4-сон - 14 нотўғри ёзилган. Чунки 11 га 4 ни қўшсак 15 ҳосил бўлади, 14 эмас. Шу сабабли 14 ни 15 сонига алмаштириб ёзсак қатордаги қолган сонлар шу қонуниятга асосланиб тузилганлигини кўриш мумкин. Шулардан келиб чиқиб 27 дан кейинги ёзилган сонлар 31 ва 35 сонларидир.

6-топшириқ. Қуйидаги сонларни битта сўз билан номлашга қайси сон халақит бераяпти? Унинг тагига чизинг:

а) 2,4,6,13,8

б) 24,27,30,4,33,36

7-топшириқ. 31,42,53,64,.. сонларидан ҳар бирида 10 ликлар рақами birlikлар рақамидан нечага кўп? Бундай икки хонали сонлардан яна қанча ёзиш мумкин?

Топшириқни бажаришда ўқувчи қатордаги ҳар бир сонда ўнликлар birlikлардан 2 тага кўплигини кузатади ва 5-сонни ёзишда қуйидагича мушоҳада юритади: соннинг ўнлик рақами 7, birlik рақами эса 7 дан 2 та кам 5 сони бўлади. Демак, навбатдаги сон 75, ундан кейинги сон 86 ва охириги сон 97 бўлади. Ўқитувчи “бу охириги учта сонни яна қандай бошқа усул билан топишингиз мумкин?” деб сўраса, ўқувчи қуйидагича жавоб бериши мумкин: “қатордаги сонлар 11 тага ортиб бораяпти. 64 га 11 ни қўшиб 75 ни, сўнгра 86 ни ва ниҳоят 97 ни ҳосил қиламиз”.

8-топшириқ. 2,1,3 рақамлари иштирокида икки хонали сонлар тузинг.

Ушбу топшириқни бир партада ўтирувчи ўқувчиларнинг бирга ишлашларини ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини ошириш мумкин. Бунда бир ўқувчи 2 рақамини қўйса, яна бир ўқувчи унинг ёнига 1 ни қўйиб 21 сони ҳосил қилади ва ҳоказо. Ҳосил қилинган сонлар 21,22,23,11,12,13,31,32,33

Тажрибалар шуни кўрсатадики, бошланғич синфларда ижодий мазмундаги ўқув топшириқларидан кўпроқ фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг математика фанига бўлган қизиқиши, фанни ўзлаштириш самарадорлиги ошиб, уларда солиштириш, мустақил фикр юритиш, хулоса чиқариш, ижодий изланиш хислатлари тарбияланади.

## МАСАЛА ТУШУНЧАСИНИ БИРИНЧИ СИНФЛАРДА КИРИТИЛИШИ

DOI: 10.53885/edinres.2021.26.24.049

*М.М.Қосимова, БухДУ катта ўқитувчиси.*

*М. Турсунова, БухДУ талабаси*

Масала ечиш малакаси 1-синфдан бошлаб ўқувчиларга шакллантирила бошланади. Дастурга асосан 1-синфга йиғинди ва қолдиқни топиш, йиғинди ва қўшилувчини топиш, сонни бир неча birlik орттириш, камайтириш, айирмали таққослашга доир содда масалалар, айирмани, айрилувчини, камаювчини топишга оид мураккаб масалалар ҳамда геометрик масалаларни ечишга ўргатилади. Ўқувчилар масалалар ечиш жараёнида амал компонентлари ва улар орасидаги боғланишларни онгли ўзлаштиришлари лозим. Тайёргарлик этапи 10 ичида сонларни рақамлаш

(рақамларни ўргатиш) давридан бошланиши мақсадга мувофиқдир. Дастлабки даврларда 1-синф ўқувчиларининг ўйин фаолияти кучли бўлгани сабабли ўйинчоқлар воситасида оғзаки масалалар тузиш ва уни ечиш тавсия қилинади.

а) предметлар сони (берилганлар) ва натижаларни ошқора кўрсатиб, йиғиндини айтишга доир масалалар тузиш орқали ўқувчиларга масала тўғрисида дастлабки тасаввурлар ҳосил қилинади. Бу даврда «масала шарти», «масала саволи» каби тушунчалар ишлатилмайди. Дастлабки масалалар ўқувчиларнинг кўз ўнгида тузилади. Бунда ўқувчилар ўқитувчининг барча ҳаракатларини кузатиб туришади. Масалан: ўқитувчи бир ўқувчини доскага чиқариб, қўлига битта копток беради ва ўқувчилардан сўрайди.

- қани ўқувчилар, ўртоғингиз қўлида нимани кўряпсиз?

- (коптокни)

- Улар нечта? (1 та)

Мен унга яна 1 та копток совга килдим (доскадаги ўқувчи қўлига ўқитувчи яна 1 та копток беради).

- ўртоғингиз қўлида нечта копток бўлди? (2та)

Бу жараёнда берилганлар ҳам, натижа ҳам ўқувчиларга ошқора кўрсатилади. Фақат улардан натижани идрок қилиб айтишлари талаб қилинади. Масала тузиш топшириғи бевосита кўз ўнгидаги нарсалар билан амалга ошади. Масалан: дафтар, ручка, қалам, ўйинчоқлар воситасида турли мазмундаги масалалар тузишга ўргатиш орқали уларга дастлабки тасаввурлар ҳосил қилинади.

б) предметлар сони ва берилганлар ўқувчи кўз ўнгида намоён қилиниб, натижани кўрсатмай, йиғиндини топишга доир масалалар тузиш билан ўқувчиларга масала тўғрисида тушунчалар бериб борилади.

Стол устига сариқ ва 2та қизил картондан кесилган олмалар териб қўйилган бўлади. Бирор ўқувчини доскага чиқариб, унинг қўлига саватга берилади ва стол устидаги қизил олмаларни териб ўқувчиларга кўрсатиб саватга солиш талаб қилинади. Ўқувчи бирин-кетин 2та қизил олмани олиб кўрсатиб саватга солади. Ўқитувчи ўқувчиларга кўрсатиб ўртоғингиз саватга нечта олма солди? (2та) Доскадаги ўқувчидан яна 1 та сариқ олмани олиб саватга солиш сўралди.

- қани ўқувчилар, ўртоғингиз яна нима ишни бажарди?

яна 1та олмани саватга солди.

- Саватда жами қанча олма бўлди? Яширинган жавоб сўралади. (3 та)

Бу билан ўқувчи масала ечимини онгли 3 элементли тўпламга 1 элементли тўпламни бирлаштиришдан ҳосил бўлган тўплам элементлар сонини топади.

в) расмга қараб масалалар тузиш, ўқувчиларни мустақил масалалар туза олиш кўникмасини таркиб топтиришда катта аҳамиятга эга.

Бунда асосан, дарслик саҳифаларидаги расмларга қараб:

Бор эди 2 та капалак, учиб келди 1 та капалак, жами нечта бўлди? (Йиғиндини топишга доир масала) (19 бет)

Дарахтда 3 та куш бор эди, 1 таси учиб кетди. Нечта куш қолди? (қолдикни топишга доир масала)

Плакатдаги расмга қараб синф жамоаси билан бирга масала тузиш.

Доскага рақамлар суратларда ўз ифодасини топувчи плакат осиб қўйилади. Шу плакатга қараб синф жамоасига масала тузиш таклифи киритилади.

Предмет расмига қараб масала тузиш топшириғини ўқитувчи ўқувчиларга чегаралаб бориши мумкин.

Масалан: бирор предмет расмининг ва амал белгисининг кўрсатиб масала тузишни таклиф қилади. (Нон ва қўшиш амали, ручка ва қўшиш амали).

2. Ўқувчи кўз ўнгида бўлмаган нарсаларга доир масала тузиш. Ўқувчи онгида бу нарса ёки расмлар тасвири сақланган бўлиб, ўқувчи ўзи кўрган нарса ва расмларни хотирага тинглаб масала туза олиш имкониятига эга бўлади.

Масалан: Магазинда 5 та сумка бор эди. 2 таси сотилди. Магазинда нечта сумка қолди.

10 ичида номерлаш мавзусида йиғинди ва айирмани топишга доир масалалардан ташқари сонни бир неча бирлик орттириш ёки камайитиришга доир масалалар кўрилади. Бундай масалаларни тузиш ва уни ечиш учун ўқитувчи ва ўқувчиларни ўшанча “шунга ортиқ”, “шунча кам”, тушунчалари билан таништириши лозим. Бу жараён ҳам ўқитувчи кўрсатмаси амалга ошириш талабга мувофиқдир. Масалан, иккита ўқувчи қўлида бир миқдорда дафтар бериб, Нодирнинг қўлида

5 та дафтар бор. Санаб кўрсатади, Зарифнинг кўлида ҳам ўшанча дафтар бор. Зарифнинг кўлида нечта дафтар бор? (5 та).

Бундай тушунчаларни ўқувчилар тўлиқ тушуниб олганларидан кейин “.....та ортиқ”, ёки “...та кам” тушунчалари киритилади. Тахминан бундай кўринишдаги масалаларни келтириш мақсадга мувофиқдир. “Наиманинг кўлида 3 та гул бор эди, Салимнинг кўлидаги гуллар ундан 1 та ортиқ. Салим кўлида нечта гул бор?”

Ёки Дилдорада 8 та ёнғоқ бор эди. Унинг синглиси Дилбарда 2 та кам ёнғоқ бор. Дилбарда нечта ёнғоқ бор ?” (6 та).

Бундай кўринишдаги масаларни ечиш орқали ўқувчилар берилган миқдорларни бевосита бир неча birlik орттириш ёки камайтиришни ўрганиб оладилар.

Номаълум кўшилувчини топишга доир масалалар.

Номаълум кўшилувчини топишга доир масалалар тузиш ва ечиш малакасини шакллантириш орқали ўқувчиларга тенглама тушунчасига оид дастлабки пойдевор ҳосил қилинади.

Ўқувчилар кўлига бир хил турдаги бир неча предметларни бериб, уларни йиғиндисини топиш талаб қилинади.

Масалан: Бир ўқувчининг кўлида 3 та дафтар, иккинчи ўқувчининг кўлига 5 та дафтар бериб жами  $(3+5=8)$  ўқувчи йиғиндини бемалол топа олади. (3-биринчи кўшилувчини, 5-иккинчи кўшилувчини, 8-эса йиғинди эканлиги тушунтирилади. Чунки, бу иккита сонни кўшамиз). Энди ўқитувчи 8 та дафтардан 3 тасини ўқувчилар кўз ўнгида олади ва ўқувчилардан нечта дафтар қолди деб сўрайди  $(8-3=5(та)$  дафтар қолди). Қолган дафтарларни топиш учун қайси амалдан фойдаландик?

-айириш амали билан

Келтирилган иккита масала солиштирилиб  $(3+5=8$  ва  $8-3=5)$  тузилган иккита ифоданинг фарқи сўралади. Иккинчи ифода биринчи ифодадаги йиғиндидан биринчи кўшилувчини айириш билан ҳосил қилинади.

Энди ўқитувчи бошқача масала тузади.

8 та дафтардан 5 тасини олади. Қолган дафтарларни санайди. Ўқувчилар  $8-5=3$  кўринишида ифода тузиб 3 та дафтар қолганини айтишади. Яна бу ифода биринчи ифода билан солиштирилади.  $3+5=8$ ,  $8-5=3$ . Бунда йиғиндидан иккинчи кўшилувчини айириш натижаси эканлиги кўриб турибди.

- энди ўқитувчи партанинг устига 5 та дафтарни санаб кўяди ва ўқувчиларга билинтирмай секингина 3 та дафтарни 5 та дафтарга кўшиб кўяди. Жами натижасини санаб, 8 та дафтар ҳосил бўлгани ўқувчиларга кўргазмали кўрсатади. Уларга мурожаат қилиб, столнинг устига нечта дафтар бор эди?

-5та

5 сонини ўқитувчи доскага ёзади.

- Нечта дафтар кўшилгани маълумми?

- Йўқ, номаълум.

Демак, куйидагича ёзамиз.

$$5 \square = 8$$

-Жами дафтарлар сони маълумми ?

$$5 + = 8 \square$$

-Ҳа, нечта (8 та)

Дарча ўрнига қандай сон кўйишимиз мумкин (3 ни)

- Қандай топдик ?

$$\text{Чунки } 8 - 5 = 3$$

Худди шундай савол жавоблар билан  $\square + 3 = 8$   $8 - 3 = 5$  каби сонли ифодаларнинг ҳосил қилиниши ва ечилиши тушунтирилади. Ўқувчиларга сон маълумотлари тўлиқ бўлмаган ҳолда бажариладиган амалга кўра масалалар тузишни ўргатиш билан асосан ўқитувчи кўшилувчи ва йиғиндини: ҳар иккала кўшилувчи, камаювчи ва айирилувчи, камаювчи ва айирмани эркин танлаш имкониятини беради.

Яъни,  $+ = \square$ ;  $5 - \square$ ;  $+ 3 = \square \square$ ;  $- = \square$   $7 - = 2 \square \square \square \square$

$\square - 5 = \square$ ; кўринишидаги схемаларни доскага ёзиб, масалалар тузиш топшириқларини беради. Кўриниб турибдики, бундай схема асосида масалалар тузиш ўқувчиларда умумсинф жамоаси билан ишлаш, эркин фикрлаш, ўз фикрини мустақил баён этиш кўникмаларини шакллантиради. 10 ичида ёки 20 ичида сон маълумотларини мустақил танлаш орқали ўқувчиларни масалалар тузишга ўргатиш мумкин. Бунда ўқитувчи барча эркинликни сон маълумотларини танлаш имкониятини

	Гулямов Дж. Р.	Таълим жараёнини индивидуаллаштириш: муаммо ва унниг ечим йўллари	32
16.	Akramova G.R.	Raqamli ta'lim sharoitida boshlang'ich sinf o'quvchilarda tanqidiy tafakkurni shakllantirishning muhim jihatlari	35
17.	Istamova Sh.M.	Badiiy adabiyot vositasida o'quvchilarning nutq madaniyatini shakllantirish	37
18.	Jamilova B.S., Rahmatova Sh.	Boshlang'ich ta'lim sifat va samaradorligini oshirishda integratsiyalashgan darslar metodikasi	39
19.	B.S.Jamilova, Jalilova Sh.	Boshlang'ich sinf o'quvchilarining intellektual va badiiy salohiyatini rivojlantirishda ommaviy axborot vositalarining o'rni	41
20.	Nusratova H. Ch	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida kitobxonlik madaniyatini shakllantirish	42
21.	Jamilova B.S., Murtazoyeva N., Naimova Z.	Boshlang'ich ta'lim tizimida o'quvchilarni ona tiliga muhabbat motivlari asosida tarbiyalashda bolalar she'riyatining o'rni	44
22.	Mahmudov M. H. Ne'matova F. B.	Loyihalash – ta'limning sifat va samaradorligini oshirishning muhim shartlardan biri	45
23.	Quvvatova D.	Hamid Olimjonning "O'rik gullaganda" she'rini va "bo'lsam" radifi g'azalini klaster usulida o'rganish yo'llari	47
24.	Sidiqova D. Sh. Xayrullayeva N. N.	Boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun "Mental arifmetika"ning ahamiyati	48
25.	Akramova S.R.	Jamol Kamol g'azallarida o'zbek mumtoz she'riyatiga xos an'anaviy metaforik obrazlar tizimi	49
26.	Djurayeva S. N. Davronova D.	Boshlang'ich ta'limda dars samaradorligini oshirish muammolari	51
27.	Rajabova G. M.	Maktabgacha ta'lim muassasasi va boshlang'ich ta'lim orasidagi uzviylik	53
28.	Mutalova D. A.	Ta'lim klasteri – pedagogik hamkorlik texnologiyasi sifatida	55
29.	Umurov Z.L.	Boshlang'ich ta'lim sifat va samaradorligini oshirishda kadrlarni qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish pedagogikasining roli	58
30.	Kakharova M.Yu..	Intellectual enhancement of protagonists in uzbek and english novels	59
31.	Дустова Д. С.	Принципы набора текстов по искусству для занятий со студентами и направления начального образования по русскому языку	62
32.	Saidova Sh. E.	Yoshlarni halollik va tejamkorlik ruhida tarbiyalashda sharq mutafakkirlari qoldirgan ma'naviy merosdan foydalanish	64
<p style="text-align: center;">IKKINCHI SHO'BA. ZAMONAVIY TA'LIMDA UMUMILLIY VA UMMUMADANIY QADRIYATLAR O'RNI          СЕКЦИЯ № 2. МЕСТО ОБЩЕКУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СОВРЕМЕННОМ НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ          SECTION № 2. THE ROLE OF NATIONAL AND INTERCULTURAL VALUES IN MODERN</p>			